



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Раҳмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуридинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозоғистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмудалиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алнева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Сайнова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон  
тиллари университети

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

<b>1. Раҳбархон Муртазаева</b> ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
<b>2. Дилором Бобожонова</b> ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
<b>3. Баҳодир Эшов</b> ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
<b>4. Зумрад Раҳмонкулова</b> МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
<b>5. Манзура Аминова</b> ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
<b>6. Тўлқин Ахмедов</b> ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
<b>7. Мансур Бойсариев</b> ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
<b>8. Фируза Жуманиязова</b> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
<b>9. Муҳаммаджон Исамиддинов</b> АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
<b>10. Баҳыт Кошанов, Ҳакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова</b> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
<b>11. Shohruhbek Mamadaliyev</b> TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
<b>12. Gulnora Maxkamova</b> XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
<b>13. Уктамжон Мансуров</b> VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
<b>14. Шоназар Матякубов</b> XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

<b>15. Отабек Махмудов</b> «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиевистик талқинда).....	109
<b>16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov</b> O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
<b>17. Зухра Ражабова</b> ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
<b>18. Мафтуна Рузикулова</b> ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
<b>19. Хасанбой Рахматиллаев</b> ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
<b>20. Lutfiya Salomova</b> AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
<b>21. Наргиза Сейтимбетова</b> ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
<b>22. Shaxnoza Tursunova</b> O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
<b>23. Икромжон Умаров</b> КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
<b>24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova</b> O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
<b>25. Санъат Худайбергенов</b> ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
<b>26. Ҳабиба Ҳасанова</b> 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
<b>27. Ра’но Qodirova</b> 1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192

<b>28. Қосим Қосимов</b> ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
<b>29. Ислон Қаршиев</b> МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
<b>30. Гулжаҳон Шайдуллаева</b> ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
<b>31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova</b> XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
<b>32. Юлдаш Юлдашев</b> ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
<b>33. Акмал Якубов</b> ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
<b>34. Акмал Якубов</b> ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
<b>35. Лазизахон Алиджанова</b> ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
<b>36. Дилрабо Қурбанова</b> ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
<b>37. Камола Саипова</b> УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
<b>38. Аҳадулла Раҳматуллаев</b> ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
<b>39. Азамат Ктайбеков</b> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
<b>40. Гулнора Худойберганава</b> “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293




УДК 94-055.2(575.171)

**Фируза Жуманазаровна Жуманиязова,**  
Хоразм Маъмун академияси  
Кичик илмий ходими  
jumanazarovafiruza8485@gmail.com

**ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ  
ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС  
ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар)**

**For citation:** Firuza J. Jumaniyazova, REFLECTION OF THE ACTIVITIES OF THE WOMEN OF KHORAZM IN PUBLIC LIFE DURING THE SECOND WORLD WAR IN PERIODICALS (1941-1945). Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.64-69

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7485256>

#### **АННОТАЦИЯ**

Мақолада Иккинчи жаҳон уруши йилларида Хоразм вилоятидаги хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаолликлари шу даврдаги вилоят даврий нашрларида чоп қилинган мақолаларни таҳлил қилиш орқали очиб берилди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида вилоятда “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталари чоп қилинди. Бу даврий нашрларда ҳаракатдаги армияга оид янгиликлар билан биргаликда илм-фан, ишлаб чиқариш, маданият, қишлоқ хўжалигига оид кундалик маълумотлар ҳам бериб борилди. Уруш бошланган дастлабки даврдан то уруш якунигача бўлган даврда республика аёллари билан биргаликда Хоразм вилояти хотин-қизлари ҳам барча соҳаларда фаолликни ўз кўлларига олдилар. Вилоятдаги даврий нашрларда фаолият олиб борган аёл мухбирлар, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини акс эттирувчи мақолалар кўриб чиқилди.

**Калит сўзлар:** Иккинчи жаҳон уруши, даврий нашрлар, Хоразм ҳақиқати, Хорезмская правда, хотин-қизлар, ижтимоий ҳаёт.

---

**Фируза Джуманазаровна Джуманиязова,**  
младший научный сотрудник  
Хорезмская академия Маъмуна  
jumanazarovafiruza8485@gmail.com

**ОТРАЖЕНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЖЕН ХОРАЗМА В ОБЩЕСТВЕННОЙ ЖИЗНИ В  
ГОДЫ ВТОРОЙ МИРОВОЙ ВОЙНЫ В ПЕРИОДИЧЕСКИХ ИЗДАНИЯХ (1941-1945)**



**АННОТАЦИЯ**

В статье раскрывается деятельность женщин в общественной жизни Хорезмской области в годы Второй мировой войны путем анализа статей, опубликованных в периодических изданиях региона.

В годы Великой Отечественной войны в области издавались газеты «Хорезм хакикати» и «Хорезмская правда». В этих периодических изданиях наряду с известиями о боевых действиях армии давались ежедневные сведения о науке, производстве, культуре, сельском хозяйстве. С начала войны и до конца войны, наряду с женщинами республики, инициативу во всех сферах проявляли и женщины Хорезмской области. Женщины-корреспонденты, работавшие в периодических изданиях региона, были рассмотрены статьи, отражающие активность женщин в общественной жизни.

**Ключевые слова:** Великая Отечественная война, периодика, Хорезм хакикати, Хорезмская правда, женщины, общественная жизнь.

**Firuz J. Jumaniyazova,**

junior researcher

Khorezm Academy of Mamun

jumanazarovafiruz8485@gmail.com

**REFLECTION OF THE ACTIVITIES OF THE WOMEN OF KHORAZM IN PUBLIC LIFE DURING THE SECOND WORLD WAR IN PERIODICALS (1941-1945)****ABSTRACT**

The article reveals the activities of women in the public life of the Khorezm region during the Second World War by analyzing articles published in periodicals in the region.

The Second World War, news papers “Khorezm haqiqati” and “Khorezmskaya Pravda” were published in the region. In these periodicals, along with news about the military operations of the army, daily information was given about science, production, culture, and agriculture. From the beginning of the war to the end of the war, along with the women of the republic, the women of the Khorezm region also showed initiative in all areas. Women correspondents who worked in the periodical publications of the region reviewed articles reflecting the activity of women in public life.

**Index Terms:** The Second World War, periodicals, “Khorezm haqiqati”, “Khorezmskaya Pravda”, women, public life.

**1. Долзарблиги:**

Иккинчи жаҳон уруши даврида Хоразмда иккита вилоят газетаси ўз фаолиятини олиб борган [1.б.2]. “Хоразм ҳақиқати” газетасида 1941-1945 йилларда хотин-қизлардан Р.Бобожонова, Бакирова, Г.Машарипова, В.Молчанова, Ў.Рахимова, Т. Худакова, Г.Аминова, Р.Курбоналиева, Бибижон, Р.Даутова, Н.Илхомова, Карима, О.Содиқова, С.Галимова, Я.Жуманазарова, С.Оллаёрова, Б.Абдуллаева, А. Девонова, П.Муродовалар, “Хорезмская правда” газетасида 1942-1943 йилларда С.Бузрукова, Е.Архипова, Т.Гулшина, М.Урманцева, А.Путилина, Р.Халиуллина, Р.Матниязова, Р.Айтбаева, А.Якубова, Ш.Сабирова фаолият олиб борган [2, б.2].

Вилоят газеталари 1941-1945 йилларда олдин бир варақ хажмда кейинчалик икки варақ хажмда нашр қилинган. Газетанинг олдинги варағида ҳаракатдаги армия ҳақида маълумотлар, қахрамонларнинг фото суратлари билан биргаликда урушга кетган эркаклар ўрнини эгаллаган хотин-қизларнинг касб ўрганишга жалб қилинганлиги, артеллардаги иш фаолияти, тракторчилик курсларида ўқиб далада трактор бошқараётганлиги, ҳамширалик ва ўқитувчилик бўйича тахсил олаётганлиги ҳақидаги мақолалар доимий равишда бериб борилди. Даврий нашрларда вилоятнинг Урганч шаҳри ва тумани, Хонқа, Хива, Қўшқўпир, Ҳазорасп, Гурлан, Янгибозор, Боғот, Питнак, Шовот, Янгиариқ туманларидаги аёллар фаолияти тўлиқ ёритилди. Жумладан, “Хоразм ҳақиқати” газетасининг 1941 йилнинг ноябрь

ойидаги №261 сонидан №311 сонигача 69 мақола аёлларни фаолиятига бағишланади [3]. Газетанинг бошқа йиллардаги сонларида ҳам худди шундай мақолалар бериб борилган.

## 2.Методлар:

Уруш давридаги вилоят хотин-қизларининг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ёритишда “Хоразм ҳақиқати” газетасининг 1941-1945 йиллардаги сонларида нашр этилган мақолаларни статистик усуллардан ва тарихий-қиёсий методдан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинди.

## 3.Гадқиқот натижалари:

Вилоят ижтимоий ҳаётида хотин-қизларнинг фаолияти қандай бўлганлигини даврий нашрларни таҳлил қилиш орқали билиб олишимиз мумкин. Уруш йилларида матбуот фаолияти жуда яхши олиб борилган. 1941 йилдаги “Хоразм ҳақиқати” газетасининг №261 сонидан бешта мақола “Ҳосилдор бригада”, “Агитатор”, “Бригадада агитация”, “Коммунист колхознинг коммунистлари”, “Қизларгул” номли мақолаларида Нуржон Ҳажаева, Уллижон Оллақова, Раҳима Ҳасанова, Қумри Бобоҷонова, Тўхта Яқубова, Фотима Раҳимова, Қумри Жумамуротова каби хотин-қизларнинг пахта ҳосилини йиғиб олишдаги тинимсиз меҳнатлари ҳақида маълумот берилади[4.Б.1,3,4]. Газетанинг №263 сонидан олти мақолада “Мамлакатимизга янада мўл пахта берамиз”, “Вахта кунининг даромади мудофаа фондига”, “Ёш ватанпарварлар”, “Партия қатори ўсмоқда”, “Меҳнат фронти илғорлари”, “Мадраҳимова бригадаси бу йил ҳам илғор” номли мақолаларда аёллар фаолиятига тўхталиб, унда стахановчи теримчилар ва фронтга ёрдам тўғрисида маълумот берилади [5. б.1.2]. Хоразм ҳақиқати газетасининг 1941 йилнинг 6 ноябридаги № 264 сонидан еттита мақолада Ойша Матниёзова, Оймонжон Ўрозбаева, Бибижон Ниёзова, Бибижон Қорабоева, Бобоҷонова ва Хўжаева, Татьяна Игнатева, Моможон Олланазарова фаолиятига тўхталиб ўтилади [6. Б. 1,2,3]. Хоразм ҳақиқати газетасида бу каби мақолалар доимий равишда бериб борилган.

Вилоят газетасида 1941-1945 йилларда хотин-қизларнинг муаллифлигидаги мақолалар доимий равишда нашр қилиниб борди. Бу мақолаларда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари камраб олинган эди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида саноат соҳасига оид мақола Б.Абдуллаева томонидан “Ёшларнинг самарали меҳнати” номи билан нашр қилинди[7. Б. 3]. Унда Урганч шаҳридаги “Текстельчик” артели ишчи ходимлари ҳақида маълумот берилганди. Бакирова “Йигирувчилар ғайрати” номли мақоласида[8] Манғит тумани пахта заводи ишчилар тўғрисида маълумот берди. Р.Бобоҷонова “Труд” артелида номли мақоласида[9] Урганч шаҳридаги артелда ишлаётган хотин-қизлар фаолияти тўғрисида маълумот бериб ўтди. А.Девонова “Хотин-қизлар - ишлаб чиқаришда катта куч” номли мақоласида саноатда аёлларни ролига тўхталади [10].

Уруш йилларида вилоятдаги қишлоқ хўжалиги бўйича Г.Машарипова “Мўл пилла ҳосили учун курашайлик” деб номланган мақоласи эълон қилинади, унда вилоятнинг пиллачи аёллари ҳақида маълумот бериб ўтилади[11]. В.Молчанова ўзининг “Теримда сифатни бузилишига йўл қўйилмасин” мақоласида пахта йиғим-теримидаги вилоят аёлларининг иш фаолиятига масъулият билан ёндашган ҳолда ҳосилни йиғиб олишлари лозимлигига тўхталади[12]. Ў.Раҳимова “Пахта – янги кийим-кечакдир”, Т.Худақова “45 центнер учун курашамиз” номли мақоласида Қўшқўпир туманидаги хотин-қизларнинг стахановчилар ҳақида маълумот бериб ўтган[13]. Р.Қурбоналиева “Ортиқча ғалламизни давлатга берамиз” номли мақоласида Урганч тумани меҳнаткашлари ҳақида сўз юритади[14].

Хоразм вилоятининг фронтга бераётган ёрдами мавзусидаги мақолалар ҳам бир қанча бўлиб, П.Аминова “Қаҳрамон Сталинградга 7 посилка” номли нашрида Сталинград химоячиларига жўнатилган совғалар тўғрисида маълумот беради[15]. Бибижон “Жангчиларга 31 посилка” мақоласида вилоят меҳнаткашларининг фронтга жўнатган ёрдамлари хусусида маълумот беради[16]. Р.Даутова “Сталинград қаҳрамонларига совғалар” мақоласида Гурлан ва Шовот туман меҳнаткашларидан жўнатилган ҳадялар бўйича маълумот берилади[17]. Яна ушбу муаллиф “Ҳамма нарса фронт учун” номли мақола ҳам ёзган бўлиб, унда вилоят аҳолисини бир тану бир жон бўлиб фақат ғалаба сари интилишига чақиради[18]. Н.Иброҳимова “Бизнинг совғамиз” номли мақоласида вилоят аҳолисининг фронтга жўнатган ҳадялари ҳақида ёзади[19]. Карима “Тўшт, ун, гуруч, товук, ёғ” номли мақоласида Сталинград



химоячиларига совғалар бўйича маълумот беради[20]. О.Содиқованинг “Сельпо ходимларидан тортиқ” номли мақоласида ҳам фронтга берилган ёрдам ҳақида маълумот берилади[21].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида маъориф ва таълим тизимидаги олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам бир қанча мақолалар берилган. Жумладан, С.Ғалимова “Бизнинг вазирамиз” номли мақоласида янги 1942-1943 ўқув йилига тайёргарлик тўғрисида гапириб ўтган[22]. Я.Жуманазарова ўзининг “Ҳамшира бўлиб етишаман” номли мақоласида Урганч туманидаги мактаб ўқувчи қизларининг ҳамшира бўлиб жангчиларга тиббий ёрдам беришга бўлган иштиёқлари хусусида гапириб ўтади[23]. С.Оллаёрова “Қунт ва ғайрат билан” номли мақоласида Урганч шаҳридаги 2-сон умумтаълим ўрта мактаби ўқувчилари ҳақида маълумот беради[24].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича олиб борилаётган ишлар ва янгиликлари бўйича ҳам бир қанча хотин-қизлар ўз мақолаларини эълон қилишган. Мисол учун: Р.Бобожонова “Янги медицина кадрлари” номли мақоласида ҳамшираликка ўқиётган қизлар тўғрисида[25], З.Ўразбоева “Йиғим-теримда болалар яслисининг роли” [26] номли мақоласида вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг болалар яслиларига бераётган эътибори хусусида маълумот бериб ўтади.

Вилоят хотин-қизларининг иккинчи жаҳон уруши йилларида кўчириб келтирилган болаларга ва фронтга кетган аскарларнинг оиласига ғамхўрлики масаласида ҳам бир қанча мақолалар эълон қилинди. А.Девонова “Катта ватанпарварлик иши” номли мақоласида қизил армия оилаларига берилган кўмак хусусида[27], С.Маҳмудова “Қизил армия оилаларига ғамхўрлик” номли мақолада Урганч шаҳар ёрдам комиссияси томонида аскарларнинг оилаларига берилган кўмак тўғрисида маълумот берилади[28]. О.Назарова “Ўқчилар ташаббусини оммалаштирайлик” номли мақоласида мактаб ўқувчиларига ғамхўрлик хусусида маълумот берилади[29]. Тамагул “Кўчириб келтирилган ва ҳарбий хизматчилар оиласига ёрдам” номли мақоласида Урганч шаҳар ижтимоий таъминот идораси томонидан берилган ёрдам масаласида[30], З.Шержонова “Ўз боламдай тарбиялайман” номли мақоласида Урганч туманидаги Киров қишлоғидаги хотин-қизларни кўчириб келтирилган болаларга ёрдами тўғрисида маълумот берилади[31].

Иккинчи жаҳон уруши йилларида маданий ҳаётга бағишланган мақолалар ҳам бўлиб, Р.Бойжонова ўзининг “Ўсингиз, олға босингиз” номли мақоласида Хоразм вилояти музыкали драма театри иш фаолиятига тўхталлади[32]. А.Путилина “Эримнинг ўрнига ишлайман” мақоласида “Хоразм ҳақиқати” босмаҳонаси фидоийлари ҳаётидан лавҳалар келтиради[33].

#### **4.Хулосалар:**

Иккинчи жаҳон уруши даврида вилоятда туман газеталари ҳамда “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталари фаолият олиб борган.

Даврий нашрларда иккинчи жаҳон уруши йилларидаги вилоят хотин-қизларининг ижтимоий ҳаётдаги фаолиятига оид барча маълумотлар доим ёритиб борилган.

Ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига эркаклар урушга кетганлиги, кадрлар етишмаётганлиги сабабли хотин-қизлар жалб қилинган.

Хотин-қизлар эркаклар эгаллаган касбларга ўқитилиб, ҳамма соҳаларда фаолликни ўз қўлларига олган.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Хорезмская правда. № 92. День большевистской печати. 5 мая 1943 г. С.1. (The Truth of Khorezm. № 92. The day of bolshevik's stamp. 5th of May, 1943. P.1).
2. Хорезмская правда. Амин Раджапов. № 102. 19 мая 1943 г. С.2. (The Truth of Khorezm. Amin Radzharov. № 102. 19th of May, 1943. P.2)
3. Хоразм вилояти давлат архиви. 346-фонд,1-рўйхат, 17-йиғмажилд.( State archive of Khorezm region. Fund 346, list 1, collection 17.)

4. Хоразм ҳақиқати. № 261. 1941 йил 2 ноябрь. Б.1.3.4.( The truth of Khorezm. No. 261. November 2, 1941. B.1.3.4.)
5. Хоразм ҳақиқати. №263. 1941 йил 5 ноябрь. Б.1,2.( The truth of Khorezm. #263. November 5, 1941. B.1,2)
6. Хоразм ҳақиқати. №264. 1941 йил 6 ноябрь. Б.1,2,3.( The truth of Khorezm. #264. November 6, 1941. B.1,2,3.)
7. Абдуллаева Б. Ёшларнинг самарали меҳнати. Хоразм ҳақиқати. 1944 йил 3-сентябрь. Б.3. (Abdullaeva B. Effective youth work. The truth of Khorezm. September 3, 1944. B.3.)
8. Бакирова. “Йигирувчилар ғайрати”. Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 7 июль. (Bakirova. "The zeal of spinners". The truth of Khorezm. July 7, 1942.)
9. Бобожонова Р “Труд” артелида. Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 30 октябрь. (R. Bobojonova in "Trud" artel. The truth of Khorezm. October 30, 1942.)
10. Девонова А.“Хотин-қизлар - ишлаб чиқаришда катта куч”. Хоразм ҳақиқати. 1944 йил 19 июль.( A. Devonova "Women and girls are a great force in production" The truth of Khorezm. July 19, 1944.)
11. Машарипова Г. “Мўл пилла ҳосили учун курашайлик”. Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 22 май.( G. Masharipova "Let's fight for an abundant harvest of cocoons". The truth of Khorezm. May 22, 1942.)
12. Молчанова Б. “Теримда сифатни бузилишига йўл қўйилмасин”. Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 6 октябрь.( V. Molchanova "Don't let the quality of my skin deteriorate" The truth of Khorezm. October 6, 1942.)
13. Раҳимова Ў. “Пахта – янги кийим-кечакдир”. Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 17 июль.( O'.Rahimova "Cotton is new clothes" Khorezm truth. July 17, 1942.)
14. Курбоналиева Р.“Ортиқча ғалламизни давлатга берамиз”. Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 2 сентябрь. (R. Qurbanalieva "We will give our surplus grain to the state" The truth of Khorezm. September 2, 1942.)
15. Аминова П. “Қаҳрамон Сталинградга 7 посилка”. Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 2 октябрь.( P. Aminova "7 parcels to Hero Stalingrad" The truth of Khorezm. October 2, 1942.)
16. Бибижон “Жангчиларга 31 посилка”. Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 16 январь. (Bibijon "31 parcels for fighters" The truth of Khorezm. January 16, 1942.)
17. Даутова Р. “Сталинград қаҳрамонларига совғалар”. Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 16 октябрь. (R. Dautova "Gifts to the heroes of Stalingrad" The truth of Khorezm. October 16, 1942.)
18. Даутова Р. “Ҳамма нарса фронт учун”. Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 3 февраль. (R. Dautova "Everything is for the front" The truth of Khorezm. February 3, 1942.)
19. Иброҳимова Н. “Бизнинг совғамиз”. Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 8 февраль (N. Ibrahimova "Our gift" The truth of Khorezm. February 8, 1942)
20. Карима “Гўшт, ун, гуруч, товук, ёғ”Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 1 октябрь.( Karima "Meat, flour, rice, chicken, oil" The truth of Khorezm. October 1, 1942.)
21. Содиқова О. “Сельпо ходимларидан тортиқ”. Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 9 январь.(O. Sodikova's "Tartik from the employees of Selpo" The truth of Khorezm. January 9, 1942.)
22. Галимова С. “Бизнинг вазифамиз” Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 26 июль.( S. Galimova "Our mission" The truth of Khorezm. July 26, 1942.)
23. Жуманазарова Я. “Ҳамшира бўлиб етишаман”. Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 1 сентябрь. (Ya. Jumanazarova's "I will become a nurse" Khorezm reality. September 1, 1942.)
24. Оллаёрова С. “Қунт ва ғайрат билан”Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 21 октябрь. (S. Ollayorova "With Diligence and Enthusiasm" The Truth of Khorezm. October 21, 1942.)
25. Бобожонова Р. “Янги медицина кадрлари”. Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 19 июнь. (R. Bobojonova "New medical personnel" The truth of Khorazm. June 19, 1942.)
26. Ўразбоева З. “Йиғим-теримда болалар ялсисининг роли”. Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 16 октябрь. (Z. Orazboeva "The role of children's nursery in the harvest" The truth of Khorezm. October 16, 1942.)

27. Девонова А. “Катта ватанпарварлик иши”. Хоразм ҳақиқати. 1944 йил 8 январь.( A. Devonova "A great patriotic work" The truth of Khorezm. January 8, 1944.)
28. Маҳмудова С. “Қизил армия оилаларига ғамхўрлик”. Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 14 октябрь. (S. Mahmudova "Caring for Red Army families" Khorezm reality. October 14, 1942)
29. Назарова О. “Ўқчилар ташаббусини оммалаштирайлик”. Хоразм ҳақиқати. 1945 йил 10 март. (O. Nazarova "Let's popularize the Archers' initiative" The truth of Khorezm. March 10, 1945.)
30. Тамагул “Кўчириб келтирилган ва ҳарбий хизматчилар оиласига ёрдам”. Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 8 декабрь.( Tamagul "Assistance to families of displaced and military personnel" The truth of Khorezm. December 8, 1942.)
31. Шержонова З. “Ўз боламдай тарбиялайман”. Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 16 октябрь. (Z. Sherjonova "I will raise as my own child" The truth of Khorezm. October 16, 1942.)
32. Бойжонова Р. “Ўсингиз, олға босингиз”. Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 1 январь. (R. Boyjonova in his "Grow, push forward" truth of Khorezm. January 1, 1942.)
33. Путилина А. “Эримнинг ўрнига ишлайман”. Хоразм ҳақиқати. 1942 йил 7 ноябрь.( A. Putilina "I work instead of my husband" The truth of Khorezm. November 7, 1942)



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST  
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Тадqiqот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000